

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯВИЙ ҚҮЛЛАБ ҚУВВАТЛАШ ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛИ

Бозорова Озода Рахимовна
ТДИУ “Молия ва бухгалтерия ҳисоби”
кафедраси асистенти

Аннотация: Ушбу тезисда ахолини бандлигини таъминлаш ва ахоли турмуш даражасини ошириш учун давлат томонидан олиб борилаётган тадбирлар тўғрисида сўз юритилган. Ахолини иши билан таъминлаш мақсадида нодавлат ташкилотлари “Мономарказлар” томонидан, касбга тайёрлаш ишлари олиб борилаётганлиги баён қилинган.

Сўнгти йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида тадбиркорлик субъектларининг улушкини янада ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилишда тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик республикамизда ахолини иш билан таъминлаш мақсадида, янги иш жойларини яратишнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда ахолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровонлигини оширишнинг энг муҳим вазифалар сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш ва шу орқали ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада мамлакатимиз Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг айтганларидек, биз фақат фаол тадбиркорлик, тинимсиз меҳнат ва интилиш орқали тараққиётга, фаровон ҳаётга эриша оламиз. Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш давлатимиз иқтисодий сиёсатининг асосий стратегик вазифаси бўлиб келмоқда. Ҳозирги кунда ушбу соҳа нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган ахоли бандлик ва даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда. Бежизга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Фақат катта корхоналар қуриб, ахоли бандлигини ва даромадини ошириш, бюджет тушумларини кўпайтириш масалаларини тўлиқ ҳал эта олмаймиз. Тurmush даражасини оширишнинг энг муҳим йўли тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришдир”¹ деб таъкидлаб ўтилган.

Тадбиркорлик қилиш истаги бўлган шахс ишни аввало нималардан бошлиш кераклигини билиши, соҳадаги маҳсус билимлар, тадбиркорлик қўнималаридан ташқари банк соҳасидаги молиявий билимларнинг етарлилигига эътибор қаратиши муҳим. Зоро, тижорат банклари ҳисобидан ажратилган кредитнинг тўғри ишлатилиши тадбиркорга даромад олиб келишдан ташқари бизнесини

¹ <https://president.uz/uz/2754> - O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev raisligida 2019 yil 23 iyul kuni kichik biznes va tadbirkorlikni yanada rivojlantrish masalalariga bag‘ishlangan videoselektor yig‘ilish davomida davlat rahbari nutqi

кенгайтиришга йўл очади.

Тадбиркорлик-аниқ мақсадли ва доимий саъй-ҳаракатни талаб қилувчи таваккалчиликка асосланган ҳамда даромад топишга қаратилган фаолият ҳисобланади. Натижада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш борасида, турли хил таъмойиллардан фойдаланган ҳолда, Тадбиркор – ҳисоб-китобли таваккалчи, янгилик ва ривожланишга интилевчи, мустақил ва масъулиятли қарорлар қабул қиласиган ва уларнинг оқибати ҳамда натижасини олдиндан кўра оладиган шахс ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолият тури ўзининг қулайлиги ва кам харажатлилиги билан бу фаолиятнинг ривожланиб бориши асосида янги иш ўринлари яратилмоқда. Бу эса давлатнинг аҳолини иш билан таъминлашига катта ёрдам беради. Янги ташкил этилган тадбиркорлик фаолияти текширувларини камайтириш, улар фаолиятидаги ҳар қандай хавфли тўсиқларни олиб ташлаш, давлат томонидан амалга ошириладиган фаолиятдир. Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг энг катта камчиликларидан бири, уларнинг ҳуқуқий, иқтисодий жиҳатдан етарли даражада билимга эга эмаслигидир.

Шунинг учун Президентимиз томонидан аҳолини касбга ўқитиш учун аҳоли тадбиркорлигини янада ривожлантириш мақсадида «Камбағал ва ишсиз аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаолигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 11.08.2020 йилдаги ПҚ-4804-сон қарорига, Президент қарори қабул қилинган. Ушбу қарорга мувофиқ, нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасаларини ташкил этиш учун “Ишга марҳамат” мономарказлари ва касб-хунарга ўқитиш муассасаларининг бинолари, маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тавсиясига кўра бошқа бўш турган бинолар ёки уларнинг бир қисми оператив бошқарувга ёки узоқ муддатли имтиёзли ижарага берилади;

“Ишга марҳамат” мономарказлари ҳамда касб-хунарга ўқитиш марказлари бити्रувчиларининг касбий малакасини халқаро World Skills стандартлари асосида баҳолаш, шунингдек баҳолашдан муваффақиятли ўтган бити्रувчиларга мамлакатимизда ва хорижий давлатларда тан олинадиган World Skills паспорти берилади;

Skills паспорти ўрта махсус, касб-хунар таълими дипломи даражасига тенглаштирилади;

Ушбу лойиҳалар ижроси учун 2020 йил учун ажратиладиган маблағларга қўшимча равища 150 миллиард сўм маблағ ажратилади. [7]

Ҳар бир худудда камида биттадан “Энг яхши касбга тайёрлаш дастури” бўйича нодавлат касб-хунарга ўқитиш муассасалари ўртасида очик танлов ўтказилади. Танлов ғолибларининг лойиҳаларини рағбатлантириш учун Инқирозга қарши курашиб жамғармасидан қўшимча равища 50 миллиард сўм маблағ ажратилади.[7]

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 11 майдаги 252-сон қарорига асосан -“уста-шогирд” анъаналари асосида хунар ўрганмоқчи бўлган ёшларга ёки хунарманд усталарга шогирдлар тайёрлаш ёки шогирдларни иш хақи билан таъминлаш учун субсидиялар ажратилди. 2022 йил январ-октябр ойида республика миқёсида 274 378 та касбга ўқитиш ишлари

амалга оширилган.[7]

Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини кўллаб қувватлаш-фуқаролар, халқимиз фаровонлигин ошириш, ўрта синфи мустахкамлашнинг энг самарали йўлидир.”² Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб халқимиз фаровонлигини ошириш мақсадида кенг кўламли дастурлар амалга оширилаётганлиги, касб хунарга қайтадан ўқитилаётганлиги инсон омили биринчи даражага қўйилганлиги кўриниб турибди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойларида янги иш жойларини очиш ҳамда ёшлиар орасида иш билан бандлик масаласини ҳал этиш билан боғлиқ муҳим ижтимоий ролни бажаради. Ушбу (1-жадвалда) Мехнат бозорида иқтисодиёт тармоқлари бўйича ахолини иш билан таъминланганлик даражасини ошириш бўйича амалий ҳолати таҳлили келтириб ўтилган.

1-жадвал

Мехнат бозорида иқтисодиёт тармоқлари бўйича ахолини иш билан таъминланганлик даражаси³

(минг киши)

Кўрсаткичлар	2018	2019	2020	2021	2022Q3
Иқтисодий фаол ахоли	14641,7	14876,4	14797,4	14980,7	15139,1
Иш билан банд ахоли	13273,1	13541,1	13236,4	13538,9	13835,9
шу жумладан: иқтисодий фаолият турлари бўйича					
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3537,2	3544,6	3499,2	3414,7	3446,7
Саноат	1802,9	1821,5	1809,5	1863,2	1851,7
Қурилиш	1205,5	1324,6	1305,6	1350,8	1366,1
Савдо	1401,8	1436,4	1405,4	1535,6	1570,9
Ташиб ва сақлаш	645,2	646,1	610,5	654,2	657,2
Таълим	1111,7	1134,4	1158,2	1220,5	1241,7
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	604,0	616,7	669,5	650,8	661,7
Бошқа турлари	2964,8	3016,8	2778,5	2849,1	3039,9
Иш билан банд ахолини мулкчилик турлари бўйича тақсимлаш					
Давлат сектори	2427,0	2463,3	2483,1	2530,1	2539,6
Нодавлат сектори	10846,1	11077,8	10753,3	11008,8	11296,3
Мехнат идораларида рўйхатдан ўтган ишсизлар ^{*)}	32,3	57,9	37,1	98,7	34,8

² Ш.М.Мирзиёев “Янги Ўзбекистон таракиёт стратегияси”. Учинчи нашри.-Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти, 2022.-145 бет

³ <https://stat.uz>. маълумотларидан олинди.

Юқоридаги жадвал маълумотларига кўра, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш муаммоларини изчил ҳал этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2022 йилнинг учинчи чорагида иқтисодиётдаги банд аҳоли сони 2,6 фоизга ўсили ва 13,8 миллион кишига етди, иқтисодиётнинг нодавлат секторидаги банд бўлган кишилар улуши 81,6 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар 2021 йилда банд аҳоли сони 13,5 миллион кишини, нодавлат секторида 81,3 фоизни ташкил этган. Амалга оширилаётган ишлар инсон омилини юксалтириш, турмуш даражасини қўтариш, жойлардаги инфратузилмани яхшилашга имкон яратмоқда. Бу эса кичик бизнес субъектларининг аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилишда муҳим ўринга эгалигини кўрсатади.

2-жадвал

Иқтисодиёт тармоқлари кесимида рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектлари сони⁴

(1 январ холатига кўра бирлиқда)

Тармоқлар	2019	2020	2021	2022	2023
Жами	276237	353921	436981	488936	555971
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	25438	31098	43958	48854	57228
саноат	58671	73631	87922	95548	104440
курилиш	30305	37916	42905	45422	48828
савдо	74604	106325	139545	165460	193492
ташиш ва сақлаш	13636	15881	17953	18867	21469
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	20892	27243	32323	35261	39372
ахборот ва алоқа	7130	8159	9877	10824	12510
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	5477	6523	7813	9087	10313
бошқа турлари	40084	47145	54685	59613	68319

Ушбу жадвал маълумотларини тахлил қиласак республика бўйича 2018 йилга нисбатан 2023 йил 1 январь холатига фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари 293890 тага кўпайган бу фоизларда 227 фоизни ташкил қиласди, демак 2018 йилга нисбатан фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари 2 маротабадан ортиқقا кўпайган. Иқтисодиёт тармоқлари кесими бўйича рўйхатдан ўтган кичик корхоналар сони тахлил қилинганида энг кўп ўсиш қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 2022 йилга нисбатан 171 фозига, савода 117 фоизга, ахборот ва алоқада 115 фоизга, соғлиқни сақлашда 113 фоизга кўпайганини кўриш мумкин. Хулоса қилиб айтиш мумкинки ўтган йилларга нисбатан соҳада ўсиш бор, демак йилдан йилга аҳоли орасида тадбиркорлик фаолиятик оммашалиб бормоқда. Бу шуни кўрсатадики хам ўзини хам ишсиз

⁴ <https://stat.uz>. маълумотларидан олинди.

ахолини иш билан банд қилиб оила бюджетига, шу билан бирга давлат бюджетига маълум микдорда қўшимча маблағ олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. О. Бозорова. (2023). ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНГИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 13(7), 24–29. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2779>
2. Бозорова Озода Рахимовна. (2023). МАМЛАКАТИМИЗДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ . World Scientific Research Journal, 12(2), 178–185. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2548>
3. Холикулова, Ю. (2023). Iqtisodiyotimizda transport-logistika xizmatlari tashkil etilishi va uning rivojlanishi. Направления развития благоприятной бизнес-среды в условиях цифровизации экономики, 1(02), 122–126. <https://doi.org/10.47689/TSUE2022-pp122-126>
4. Khaitov, S. S., Nazarova, M. N., Urmonbekova, I. F., Xoliquliva, Y. P. Q., & Bozorova, O. R. (2023). Mechanisms of Development of the Country's Economy through Bank Loans. EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION, 3(4), 9–15. Retrieved from <http://www.inovatus.es/index.php/ejine/article/view/1575>
5. Ibragimova I.R. Stages of financial reporting implementation in the Republic of Uzbekistan // International Journal of Marketing and Technology. – Vol. 11 Issue 11, November 2021. (ISSN: 2249-1058 Impact Factor: 6.559). (1-12 p.)<https://ula.uz/uz/archive>
6. Xoliqulova, Y. (2022). STEPS IN THE PROCESS OF DENATIONALIZATION AND PRIVATIZATION OF PROPERTY IN UZBEKISTAN. Journal of Integrated Education and Research, 1(6), 6–10. Retrieved from <https://ojs.rmasav.com/index.php/ojs/article/view/368>
7. Кличев Б. (2023). Операцион фаолият таҳлилини ташкил этиш масалалари. World Scientific Research Journal, 12(2), 263–271. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2557>:
8. M.S.Tulayev, B.P.Qlichev, (2022). Moliyaviy hisob. (Darslik). ISBN 978-9943-8915-9-3, УО'К: 657(075.8)
9. Тулаев, М. С., & Кличев, Б. П. (2022). ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА КОРПОРАТИВНЫХ ОБЛИГАЦИЙ: ОБЯЗАТЕЛЬСТВО ИЛИ КАПИТАЛ. In Учет, анализ и аудит: их возможности и направления эволюции (pp. 146-154).
10. O.Xudoyorov (2017). Importance of credit risk management in banks. Экономика и бизнес: теория и практика № 5. <https://cyberleninka.ru/article/n/importance-of-credit-risk-management-in-banks>
11. Ibragimova Iroda Rashid qizi (2023). Problems of planning the external audit process in commercial banks. International Journal of Management, IT &

Engineering. Vol. 13 Issue 05, May 2023, ISSN: 2249-0558,
https://www.ijmra.us/project%20doc/2023/IJME_MAY2023/IJMIE2May23_Uzb.pdf

12. Yusupova F., Abdullaeva S. Prospects for the Development of Dairy Farming of Dekhkan Farms in Uzbekistan // Бюллентень науки и практики. 2022. Т. 8. №8. С. 88-96. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/81/14>
13. Amonovich, T. S., Alijonovich, A. Z., Abdullaevich, K. M., & Soljanovna, A. S. (2022). Impact of Taxes on the Bank's Profit. INTERNATIONAL JOURNAL OF SPECIAL EDUCATION, 37(3).
14. Курбонов, М. (2020). Зарубежный опыт эффективного использования финансовых ресурсов государственных целевых фондов. Экономика И Образование, 1(5), 163–166. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economy_education/article/view/4823
15. Султанов, М., & Ахмедова, З. (2023). ИНСТИТУЦИОНАЛ ИНВЕСТОРЛАР ОРКАЛИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ. Приоритетные направления, современные тенденции и перспективы развития финансового рынка, 12–14. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/financial-market-growth/article/view/18953>
16. Султанов, М. (2020). Значение стоимости чистых активов как показателя, отражающего привлекательность инвестиционных фондов. Экономика и инновационные технологии, (5), 115–122. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11782
17. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). Камерал солиқ назорати, риск анализларни смарт технологиялардан фойдаланилган ҳолда амалга оширишни такомиллаштириш. Образование наука и инновационные идеи в мире, 13(7), 36–41. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2781>
18. Абдуллаевич Қ.М. Central European Management Journal. UZBEKISTAN REPUBLIC TO IMPROVE AGRICULTURAL FINANCING. 2022;30(3):1284-93.
19. Қурбонов Мухиддин Абдуллаевич. (2023). БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ ТИЗИМИДА АУТСОРСИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. World Scientific Research Journal, 12(3), 3–12. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrt/article/view/2558>
20. Назарова Муслима Назаровна. (2023). ЎЗБЕКИСТОНДА НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ. World Scientific Research Journal, 12(2), 214–228. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrt/article/view/2552>
21. Назарова, М. (2022). ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ МИКРОКРЕДИТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН И АНАЛИЗ ИХ

- ТЕКУЩЕГО СОСТОЯНИЯ. Экономика и образование, 23(4), 73–80. извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/566>
22. Тулаев, М. (2022). МОЛИЯВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. Архив научных исследований, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1181>
23. Тулаев, М. (2021). Разработка методики определения уровня существенности в аудите. Экономика и инновационные технологии, (5), 52–60. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12137
24. Назарова, М. (2022). ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НОБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ФАОЛИЯТИ: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a11. Экономика и образование, 23(3), 71-78.
25. Салимов Шерзод Бахтиёрович. (2023). Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланишида кичик бизнес корхоналарини венчур капитали орқали инновацион фаолиятини молиялаштириш. World Scientific Research Journal, 12(2), 229–236. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2553>
26. Салимов , Б., & Салимов , Ш. (2023). Янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсадлари ва ривожланиши. The Innovation Economy, 1(01), 14–19. Retrieved from <https://ojs.qmii.uz/index.php/ej/article/view/354>
27. Ibragimova I., Tursunov U., NosirovA. Auditing of financial reporting in the republic of Uzbekistan.// International Journal of Management, IT & Engineering- Vol. 9 Issue 7, July 2019, ISSN: 2249-0558
28. О.О.Худоёров, & Ш.О.Ғозоров. (2023). МАМЛАКАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН КРЕДИТЛАРИНИНГ ЎРНИ. World Scientific Research Journal, 12(2), 254–262. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2556>
29. Қличев Б.П. (2022). Истеъмолчи манфаатлари асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари таҳлили. “Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар”, ISSN: 2181-0567, 4 (20)-сон, 170-175, УЎК: 338.4 (575.1) [https://ifmr.uz/journals/18/](https://ifmr.uz/journals/18;);
30. О.О.Худоёров, & Х.Х.Гойипов. (2023). ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ. World Scientific Research Journal, 12(2), 244–253. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2555>
31. Қличев Бахтиёр Пардаевич (2023). Хўжалик юритувчи субъектларда операцион фаолиятида ишлаб чиқариш ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. Scientific Journal of “International Finance & Accounting” Issue 2, April 2023. ISSN: 2181-1016, <http://interfinance.tfi.uz/?p=2696>

32. Shadibekova Dildor, Nosirova Nargiza, Bozorov Ilyos, Berdiyeva Uguloy. (2020) Prospective Development Analysis of Small Business and Entrepreneurship of Uzbekistan. Test Engineering & Management. March-April 2020 ISSN: 0193-4120 Page No. 1733-1743
<http://www.testmagzine.biz/index.php/testmagzine/article/view/3815/3347>
33. Бозоров Ильёс Исомиддинович, & Эргашова Сабрина Кузимуратовна. (2023). МАМЛАКАТДА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАР ЖОЗИБАДОРЛИГИ ВА УНИ МОЛИЯЛАШ ТИЗИМИНИ БАҲОЛАШ МЕХАНИЗМИ . ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 13(7), 108–107. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2789>
34. Saidova, У. (2020). EXTERNAL ECONOMIC ACTIVITIES OF UZBEKISTAN: PROBLEMS AND SOLUTIONS. <https://scienceproblems.uz/index.php/journal/article/view/16>
35. Saidova, O. R. (2020). ISSUES OF IMPROVING THE FOREIGN TRADE OF UZBEKISTAN. Economics and Innovative Technologies, 2020(2), 12. <https://core.ac.uk/download/pdf/336867043.pdf>
36. Қличев Баҳтиёр Пардаевич, (2023). Корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми таҳлилини такомиллаштириш масалалари. Issues of improving the analysis of the volume of production at enterprises. ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ, 13(7), 42–49. Retrieved from <http://www.newjournal.org/index.php/01/article/view/2782>